# КРИМИНАЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗАЛАР СИНФИНИНГ ҲОЛАТИ САВОЛИГА

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ*
*Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси доценти,*
*юридик фанлар номзоди доцент, подполковник*
***Тураббаев Хусанбек Абдусаламович***

*Мақола замонавий жиноий жараёнда суд экспертизаси синфининг моҳияти ва аҳамиятини таҳлил қилишга бағишланган, бўлиб ушбу масала бўйича турли йиллардаги олимларнинг қарашлари ва ҳолати берилган, белгиланган муаммони ҳал қилиш бўйича муаллифнинг фикри таклиф қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *суд экспертизаси, суд экспертизасининг таснифи, криминалистик экспертизалар синфи, идентификацион экспертизалар, суд экспертизасининг усуллари, вазифалари ва объектлари.*

# К ВОПРОСУ О СОСТОЯТЕЛЬНОСТИ КЛАССА РИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ ЭКСПЕРТИЗ

*Статья посвящена анализу сущности и значимости в современном уголовном процессе класса криминалистических экспертиз, приводятся взгляды и позиции ученых разных лет на этот вопрос, предлагается авторское мнение по разрешению обозначенной проблемы.*

***Ключевые слова:*** *судебная экспертиза, классификация судебных экспертиз, класс криминалистических экспертиз, идентификационные экспертизы, методы, задачи, объекты судебной экспертизы.*

# ON THE QUESTION OF THE SOLVENCY OF THE CLASS FORENSIC EXAMINATIONS

*The article is devoted to the analysis of the essence and significance of the class of forensic examinations in the modern criminal process, the views and positions of scientists of different years on this issue are given, the author's opinion on the resolution of the designated problem is proposed.*

***Keywords:*** *forensic examination, classification of forensic examinations, class of forensic examinations, identification examinations, methods, tasks, objects of forensic examination.*

Жиноят жараёнида кенг қўлланиладиган махсус билимларнинг процессуал шаклларидан бири суд экспертизасини тайинлаш ва уни ўтказишдир. Бугунги кунда суд экспертизаси мустақил билим институтидир, деб ишонч билан айтишимиз мумкин, аммо унинг ичида янги назариялар ва техникани доимий равишда ишлаб чиқиш ва тўлдириш туфайли ҳал қилинмаган муаммолар қолмоқда.

Шунинг учун, биз экспертиза назарий тушунчалар фикрлаш динамикасига мувофиқ, асосланган қоидалари кўп, шу билан бирга уларни қайта кўриб чиқилишига Н. Р.Майлис фикрига қўшиламиз [5, С14].

Суд экспертизаси назариясида бундай тортушув ва мунозарали масалалардан бири суд экспертизасининг таснифли тузилиширидир.

Ҳозирги вақтда суд экспертизасини таснифлаш масаласида кўплаб олимлар, криминалистик ва суд экспертизалар соҳасига мурожат қилишмоқда [10]. Шу билан бирга, бу муаммо суд экспертизаси мустақил фан сифатида эмас, балки криминалистик билим соҳаси сифатида шаклланганидан буён долзарб бўлиб келмоқда.

Анъанага кўра, суд экспертизаларини таснифлашда криминалистик экспертизаси синфини ажратиш ва уни бошқалардан чегаралаш одатий ҳолдир. Кўп йиллар давомида, олимлар томонидан бутунлай қарама-қарши мавзу нуқтаи назардан, мунозара қилиниб келинмоқда, суд экспертизаларида янги пайдо бўлган турларини криминалистик экспертиза синфга йўналтиришми, ёки ундан айрим мустақил синф турларга

ажратишми [12], ушбу туфайли суд экспертизалар таснифини ривожлантиришга тизимли ёндашув йўқлиги ҳам кузатилмоқда.

Суд экспертизасини таснифлашда криминалистик экспертизалар синфи бугунги кунга қадар етакчи бўлиб келаётганлиги ҳақида сўзлаш ўринлидир, шу боис А. R. Шляховнинг суд экспертизасининг биринчи таснифини шаклланиб келиб чиқишига қайтиш лозим [13, C9-53].

Ўша даврда барча экспертизалар идентификациялаш ва ноидентификациялашга бўлинар эди. Суд экспертизаси криминалистик экспертизаси доирасида суд экспертизаси ўрнини ҳақли равишда олди, бу эса идентификациялашни англатади. Шунинг учун криминалистика фанининг табиати айнан криминалистика (ёки аксинча, криминалистик техника) бўлиб, у муайян усуллардан фойдаланишга рухсат бериш мезонларини, уларни қўллаш зарурлигини, объектларни ўрганиш ва криминалистик муаммоларини ҳал қилиш имкониятини белгилаб берди.

Шуни таъкидлаш керакки, фанда экспертизаларни криминалистик экспертизалар деб таснифлаш асосларига нисбатан бошқа, шубҳасиз нуқтаи назарлар мавжуд. Масалан, бизнинг фикримизча, "ноанъанавий криминалистик" экспертизаларни ажратиб кўрсатиш ва уларга видео фонографик, (КЭМВИ), одорологик ва муаллифшунослик каби, экспертизаларни тавсифлаш жуда муҳимдир [11].

Ушбу нуқтаи назарнинг тарафдорлари, биринчи навбатда, ушбу экспертизалар доирасида ўзига хос хусусияти сифатида индивидуал идентификациялашни амалга ошириш имкониятига ишора қиладилар. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, суд экспертизасининг бошқа синфларида криминалистик идентификация ҳам амалга оширилади. Эксперт тадқиқотлари учун зарур бўлган махсус билимларга асосланиб, ҳозирги вақтда моддалар, материаллар ва маҳсулотларни ўрганиш суд экспертизасининг мустақил синфи сифатида кўриб чиқилиши таклиф этилади [14, C517].

Одорологик текширув ҳақида гапирганда, биз инсон ҳид изларини суд-биологик ўрганиш эканлигини таъкидлаймиз [9, C47], шунинг учун уни ўтказиш пайтида фақат криминалистик услублардан фойдаланиш ҳақида гапириш унчада тўғри эмас.

Видео фонографик ва муаллифшунослик тадқиқотларни ўтказиш ҳам биринчи навбатда фақат бошқа фанларнинг фундаментал махсус билимларига асосланади ва ундан кегин криминалистиканикига.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги экспертизаларни криминалистик синфдаги экспертиза маълумотларини умумий тамойилларнинг ҳам, таснифларни қуриш асосларининг ҳам амал қилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқиш унчалик тўғри эмас.

А.И. Винберг экспертизаларни йўналтириш мезонлари сифатида криминалистик ва бошқаларга таснифлаш учун асосий ва эркин таъриф таклифини берган. [2, C81].

Унинг фикрига кўра, асосий мезон сифатида фақат индивидуал идентификация, бу фақат криминалистик экспертизасида мумкин. Эркин мезон эса базавий фанлар асосида - физика, кимё, иқтисодиёт, биология ва бошқа фанлар доирасида.

Кейинчалик ушбу концепция музокара қилиниб индувидуал идентификация қилиш нафақат криминалистик усулларини қўллаш билан, балки кимёвий, биологик, физик ва бошқа кўплаб фанлар орқали мумкинлигини исботлади [7, C37].

Балким Ю.Г.Корукҳовнинг, "алоҳида назариялар каби, масалан, криминалистик идентификация назарияси ва криминалистик -диагностика назарияси нафақат анъанавий криминалистик экспертиза учун, балки бошқа экспертиза турлари ва йўналишлари ҳам учундир", деган фикрига рози бўлиш керакдир [3, C55]. Шу муносабат билан Н.Н.Лысов ҳақли равишда белгилаган суд экспертизаси объектлари сифатида моддий далилларни аниқлаш, тўплаш ва олиб қўйиш бўйича криминалистик тавсиялар, кенг

тарқалган [4, С78]. Криминалистика барча суд экспертизалари учун, умуман асосий фанлардан бирига айланмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, Р.С.Белкин яна бир мезонни номлади, белгиланган экспертизалар муайян криминалистик синфида таснифланган - деб бу анъана, тарихий жиҳат [1, С71]. Масалан, фоноскопик экспертиза криминалистик синифига таълуқли, илгари шахсни овоз орқали таниб олиш учун тақдим этилганда криминалистик тактика доирасида амалга оширилганлиган.

А.Г.Филипповнинг фикрига кўра, экспертизаларни криминалистик экспертиза синфида таснифлаш учун, улар томонидан қўланилаётган махсус усуллар, криминалистикада ишлаб чиқилганлиги асос сифатида қаралиши керак. Ушбу мезонга кўра, криминалистик экспертизалар, анъанавий криминалистик экспертизаларга тегишли бўлиб ҳисобланади. Ушбу экспертизаларни фақат олий ўқув юртларида тегишли махсус эксперт таълимини олган криминалист-экспертлар амалга ошириши мумкин, шу билан бирга, юқорида қайд этилган "ноанъанавий криминалистик" экспертизаларни олий табиий фанлар, техник ёки лингвистик маълумотга эга мутахассислар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бироқ, Е.Р. Россинская ҳақли равишда таъкидлаганидек, замонавий шароитда дактилоскопик каби анъанавий криминалистик экспертизаси асосан фақат криминалистик экспертиза усулларига асосланган деб айтиш мутлақо нотўғри. Криминалистика фани билан бир даражада, у ахборот усулларига, тасвирни таҳлил қилиш усулларига ва ҳоказоларга асосланган. [8, С138].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, криминалистик экспертизаси муаммолари ҳар доим фаол муҳокама ва музокара қилинган, аммо бу синфнинг замонавий илм-фан соҳасидаги роли, ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирганда, биз экспертизаларнинг барча синфларига кирадиган билимларнинг интеграцияси аста-секин, криминалистик ва бошқа суд экспертизаларига дифференциация жараёнини йўқ қилинишига олиб

келади. Бошқа олимлар ҳам шундай позицияга қўшилиб келммоқдалар [6, П. 11].

**Адабиётлар рўйхати**


1. Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы, тенденции, перспективы. От теории - к практике. - М., 1988.

2. Винберг А.И. Насущные вопросы теории и практики судебной экспертизы // Сов. государство и право. - М., 1961. № 6.

3. Корухов Ю.Г. Криминалистическая диагностика при расследовании преступлений. - М., 1998.

4. Лысов Н.Н. Фиксация доказательств в уголовном процессе. - Н. Новгород, 1998.

5. Майлис Н.П. Место трасологии в системе судебных экспертиз в аспекте интеграции знаний / Н.П. Майлис // Теория и практика судебной экспертизы. - М.: Наука, 2008. № 2 (10).

6. Моисеева Т.Ф. Актуальные проблемы классификации судебных экспертиз / Т.Ф. Моисеева // Теория и практика судебной экспертизы. - М.: Наука, 2008. - № 2 (10).

7. Митричев В.С. Криминалистическая экспертиза материалов, веществ и изделий. - Саратов, 1980.

8. Россинская Е.Р. Судебная экспертиза в гражданском, арбитражном, административном и уголовном процессе. М., 2005.

9. Старовойтов В.И., Моисеева ТФ. Словарь-справочник терминов и понятий судебной экспертизы пахучих (запаховых) следов человека. - М.: ЮНИТИ-ДАНА; Закон и право, 2004.

10. Толстухина Т.В. Современные проблемы классификационных систем в судебной экспертизе. // Материалы Международной научно -практической конференции "Теория и практика судебной экспертизы в современных условиях", г. Москва, 14 - 15 февраля 2007 г. - М.: Проспект,

2007. С. 295 - 298; Моисеева Т.Ф. Актуальные проблемы классификации судебных экспертиз / Т.Ф. Моисеева // Теория и практика судебной экспертизы. - М.: Наука, 2008. № 2 (10). С. 8.

11. Филиппов А.Г. О понятии и классификации криминалистических экспертиз // Актуальные проблемы криминалистического обеспечения расследования преступлений: тр. Академии МВД РФ. - М., 1996. С. 133-134; Аверьянова Т.В. Классификация судебных экспертиз // Актуальные проблемы судебной экспертизы: Тр. Академии управления ИВД РФ. - М., 1998; Моисеева ТФ. Принципы формирования класса криминалистических экспертиз // Фундаментальные и прикладные проблемы управления расследованием преступлений: Сб. научн. тр.: В 2 ч. Ч. 2. - С. 207-209.

12. Чистова Л.Е. Являются ли криминалистическими экспертизы материалов, веществ и изделий из них? // Вестник криминалистики. - М., 2003. Вып. 1 (5). С. 13; Россинская Е.Р. Комментарий к ФЗ «О государственной судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации». - М., 2002.

13. Шляхов А.Р. Классификация судебных экспертиз и типизация их задач. - М., 1977; Шляхов А.Р. Классификация судебной экспертизы // Общее учение о методах судебной экспертизы: Сб. науч. тр. - М., 1977. Вып. 28.

14. Эксперт. Руководство для экспертов органов внутренних дел / Под ред. Т.В. Аверьяновой, В.Ф. Статкуса. - М.: Кно-Рус; Право и закон, 2003.

Э.Н.К. Шервани, аспирант кафедры Судебной экспертизы и таможенного дела Тульского государственного университета, тел. 8(4872)35-39-97 (Россия, Тула, ТулГУ)

ON THE WEALTHIER CLASSES FORENSIC EXAMINATIONS

E.N.K. Shervani

This article analyzes the nature and importance in the modern criminal trial class forensic examinations, are the views and positions of scientists from different years on this question, the author's opinion on the proposed resolution of the designated problem.